

УДК.2:007

Урганч Давлат Университети

Иқтисодиёт факультети

2- босқич таянч докторанти

Рахимова С.М.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация.

Кириш. Ушбу мақолада тиббий хизматлар бозорини такомиллаштиришнинг айрим масалалари келтирилган бўлиб, бу бўйича миңтақанинг тиббий хизматлар бозорининг пандемия шароитидаги муаммолари ва камчиликларни бартараф этиш йўллари, анкета сўровномалар орқали респондентлардан олинган маълумотлар асосида чуқур таҳлил қилинган.

Тадқиқот методлари. Тиббий хизматлар бозорини ривожлантиришнинг замонавий тиббий хизмат турларини жорий қилиш борасида телемедецина хизмати тушунчаси чуқур таҳлил қилинди. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган илмий ишлар асосида SWOT-таҳлил ишлаб чиқилди. Ундан ташқари, тадқиқотда тиббий хизматлар бозори ривожланишида монографик, иқтисодий таҳлил, таққослаш, мантиқий фикрлаш, абстракция тадқиқот усусларидан кенг фойдаланилди.

Натижалар ва мунозара. Мақолада тиббий хизматлар бозори ривожлантиришнинг шарт-шароитлари чуқур ўрганилган. Давлатнинг муҳим соҳаларидан бири бўлган ижтимоий соҳада, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолини соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ва илм-фяннинг замонавий ютуқлари ва технологияларни жорий этиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларнинг аҳамияти очиб берилган.

Хулоса. Ўзбекистонда тиббий хизматлар бозорини ривожлантиришда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этиладиган тиббиёт муассасаларини кўпайтиришга, мақсадли лойиха ва дастурларни амалга оширишга соҳани такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Кириш. Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш устувор вазифа сифатида қарабади. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, иқтисодиётидаги глобаллашув тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, ўз навбатида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, шунингдек бозор хизматлари кўрсатиш билан боғлиқdir. Айниқса турли-туман хизматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш мамлакатда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий устувор вазифадир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) *тиббий хизматлар* - аҳолининг жисмоний руҳий ижтимоий фаравонлигини таъминлаш соғлиқни тиклаш соғлом умр кўриш кўрсаткичи деб таъриф берган. Дунё соғлиқни сақлаш тизимида “*Social well-being*” яъни *ижтимоий фаравонлик* тиббий хизматларнинг устувор жиҳати эканлиги билан аҳамиятлидир[4].

Материаллар. Тадқиқот мавзуси бўйича айрим масалалар ўрганилиб, телемедецина хизматлари ва унга оид тушунчалар Г.У.Шамиев ва Ю.Е.Ляхларининг илмий асарлари қисман ўрганилди.

Методлар. Мақолада мамлакатимиз тиббий хизматлар бозори ривожланишининг бир нечта йўналишдаги тажрибалар ўрганилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тиббий хизматлар бозори бўйича расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди. Тадқиқотда тизимли ёндашув кузатиш умумлаштириш қиёсий таҳлил ва SWOT-таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Натижалар. Сўнгги йилларда президентимиз томонидан тиббий хизматлар бозори кўламини кенгайтириш, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этиладиган тиббиёт муассасаларини қўпайтириш мақсадида бир қанча лойиха ва дастурлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришда сўнгги 3 йилда 160 дан ортиқ меёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимдаги 2021 йил инвестиция дастурига республика миқёсида эса 11 та лойихалар киритилган. Хусусан, бу борада 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-2490 сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қарорига кўра, Хоразм вилояти Хива тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли “Дашёқ” ҚВП тиббиёт маркази давлат- хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилиб, худуд аҳолисининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда[1].

Хукуматимизнинг 2021 йил 3-февралдаги ПФ-6155 сонли “Ёшларни кўллаб-күвватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурига кўра, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат иштирокини янада кучайтириш борасида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра,

-республика аҳолиси ўртасида оммавий тарзда бепул коронавирусга қарши профилактик эмлашларни ўтказиш;

-тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, лабораториялар имкониятини кенгайтириш учун асбоб-ускуналар хариди учун зарур бўлган маблағларни жалб қилиш;

-Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилма инвестиция банки билан соғлиқни сақлаш соҳасида қарз шартномаларини тузиш;

-давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари билан кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ишлаб чиқиш;

- худудларда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина хизматларини кўрсатилишини йўлга қўйиш;

- олис ва чекка худудларда бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёжманд аҳоли учун скрининг ва даволаш тадбирларига хусусий шифохоналарни жалб этиш ва уларга субсидия ажратиш;

- онкология ва онкогематология билан касалланган фуқароларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш ва бошқалар[2].

Пандемия шароитида Ўзбекистонда айниқса инновацион телемедецина хизматларига бўлган талаб анча ортди. Чунки кенг қамровли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш телемедецинанинг асосий шартларидан биридир. Шу ўринда телемедецина тушунчасига таъриф келтириб ўтсак.”Tele”-грекча “масофа”, “mederi”-“даволаши”деган маънони билдиради. Қисқа қилиб айтганда, **телемедецина**-соғлиқни сақлашда ахборот технологияларидан

фойдаланиб, тиббий хизматлар яратиш ва глобал ўсиш имконини берувчи хизмат турларидан биридир[7].

Масофадан туриб тиббий хизмат кўрсатишнинг ушбу янги тури SWOT- таҳлил қилинди. Қўйида телемедецинанинг афзаликлари, камчиликлари, имкониятлари ва таҳдидлари чуқур ўрганилган.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасида анча тажрибага эга ҳисобланади. Шу билан бирга тиббиёт ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини хам кент ўрганилмоқда. Хусусан, тиббиёт соҳасида илгор узоқ йиллик тажриба эга Хитой, Туркия, Ҳиндистон давлатининг халқ табобати билан даволаниш ва тиббий хизматларни кўрсатиш-касалликни профилактика қилиш,узоқ умр кўриш каби “комплекслаштириши”ни назарда тутади.Бугунги кунда хорижий мамлакатларда даволаниш,тиббий хизмат турлари ва хизмат нархлари хақида тўлиқ маълумот олиш мақсадида, “Hospitalbooking” платформаси яратилди.Платформа асосан, хорижий давлатларда тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ мурожаатлари қабул қиласиди[6].Платформада хорижий мамлакатларнинг ихтисослашган тиббий хизмат турлари бўйича маълумотлар гурухлари келтирилган[8].

1-жадвал

Телемедецина хизматлари SWOT-таҳлил¹

Афзаликлари

Камчиликлари

Телемедецина махфийлик ва тиббий хукуқий қоидаларнинг мавжудлиги;	Бир вақтнинг ўзида тиббий хизматдан фойдаланишда шифокор-беморнинг масофадан ҳаракат қилиши;
Мамлакатнинг соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари ва статистикасини шакллантириш;	Текширувларда bemorni tўliq kўzdan kechirmaslik;
Исталган вақтда тиббий хизмат кўрсатиш ва самарали даволашни амалга ошириш;	Оғир асоратли касалликларда bemorlarغا masofadan bunday tibbий хизмат kўrсatiш xavfinining юқорилиги;
Муқобил нархда эрта ташхис қўйиш ва мунтазам текширувларларни амалга ошириш;	
Аҳолининг касалланиш даражаси бўйича маълумотларни доимий янгиланиб бориш;	

Имкониятлари

Таҳдидлар

Халқаро миқёда тиббий хизмат кўрсатиш шароитларинг мавжудлиги;	Ишончнинг йўқолиши (баъзан bemorlarда);
Тиббий интеграцияни йўлга қўйиш;	Беморларга берилаган тиббий дори воситаларининг таъсир доирасини баҳолаб бориш;
Малакали шифокорлардан тиббий маслаҳат олиш;	
АҚТ нинг имкониятларини кенгайтириш ва фойдаланиш;	
Call марказларини ташкил этиш;	
Тиббий хизматлар маркетингини йўлга қўйиш;	
Пандемия шароитларида масофадан тиббий хизмат кўрсатиш (Маслаҳат хизматлари , Видеоконференция).	

¹ Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

2-жадвал***Хорижий мамлакатларда ихтисослашган тиббий хизмат турлари¹***

Мамлакатлар	Тиббий хизматлар
Германия	Онкогематология, ортопедия, кардиохирургия, офтальмология, хирургия.
Испания	Онкология, нейрохирургия, урология, неврология, госртоентриология, гинекология, норкология.
Турция	JCI сертификатига эга онкология, пластик хирургия, нейрохирургия, трансплантология.
Жанубий Корея	Пластик хирургия, онкология, офтальмология, урология.
Чехия	Онкология, ортопедия, травматология, пластик хирургия.
Испания	Болалар онкологияси, неврология, нейрохирургия.

Инновацион иқтисодиёт шароитида республика соғлиқни сақлаш тизимиға сунъий интеллект модулларидан фойдаланган ҳолда, касалликларни ташхис қилишнинг замонавий тизимларини жорий этиш мақсадида, «ЮСАР» МЧЖ ва «Боткин АІ» МЧЖ (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликда «Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда касалликларга ташхис қўйишнинг илғор тизимларини жорий этиш» лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бундай тизим ва технологиялардан фойдаланиш айниқса саратон касалликлари ташхисида юқори самараға эга бўлиб, касалликнинг дастлабки босқичларида 50% гача аниқлаш имконини беради[3]. Натижада профилактик чораларни кўриш харажатлари камаяди ва беморнинг даволаниш самарадорлиги ошади. Агар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ўрганилиб, тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларига АҚТ лар жалб қилинса, телемедецина хизматларини кўрсатиш шарт-шароитларини яратиш мумкин бўлади. Унга боғлиқ равишда эндиликда Хоразм вилоятига Генотехнология амалиётини олиб кириш ва бу усуслар орқали аҳолининг гемотологик хизматларга бўлан талабини қондиришга қолаверса, энг долзарб муаммолардан ҳисобланган тиббий хизмат кўрсатишга имконият яратилади. Гемотологик хизматлар кўрсатишда Европа мамлакатлари тажрибасини ўрганиб, хусусий клиникаларга ушбу йўналишида тиббий хизмат кўрсатишда имтиёзлар бериш орқали худуд аҳолисининг гемотологик касалликларнинг олди олинади. Соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион тиббий хизмат кўрсатиш йўналишиларидан бири ҳисобланган - **мобил тиббиёт** йўналишида пандемия шароитида анча муаммоларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Мобил тиббиёт-нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан махсус автотранспорт воситасида ташкил этиладиган “мобил тиббиёт” хизмати бўлиб, худудларга чиқсан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ўрта тиббиёт ходимларидан иборат “тиббий пункт”ларини ташкил этиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун зарур шароитлар яратиш улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш тушунилади.

Хуроса. Пандемия бутун дунё бўйлаб соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштиришни тезлаштиришга туртки берди. Бутунжоҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти фикрига кўра, 2019 йилда 45 миллиард долларга баҳоланганди.

¹ Манба:(<https://hospitalbooking.com/voprosy-i-otvety-o-lecenii-v-izraile>)

телемедецина жаҳон бозорда 2026 йилга келиб тўрт баравар кўпайиб, 180 миллиард долларни ташкил этади.Хусусан, соғлиқни сақлаш харажатларининг ўсиши, телемедецина лойиҳаларига инвестициялар ва ахоли сонининг кўпайиши туфайли онлайн тиббий хизматлардан фойдаланишга талаб ортиши кутилмоқда.

VEB Ventures маълумотларига кўра, телемедецина мутахассислари яқин 5 йил ичида ушбу йўналишда бир неча баробар ўсиши кутилмоқда[5].

Рақамли технологияларни бутун дунё бўйлаб соғлиқни сақлаш тизимида жорий этиш тажрибаси жуда муҳим ҳисобланиб, бу мамлакатдаги илгор тажрибаларни қўллаш ва мослаштиришга имкон беради, “бемор-шифокор” тизими ўзаро таъсир ўтказишнинг энг самарали, қулай ва хавфсиз усули сифатида кенг фойдаланади.

Телемедецина йирик тиббий марказлардан туриб керакли мутахассисларнинг узоқ, олис жойларда яшовчи bemorларга қулай онлайн даволанишнинг самарадорлиги сурункали касалликларга чалинган одамлар томонидан ҳам қадрланди. Шу билан бирга, маҳфийлик, кириш хуқуқи ва жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи қонунларнинг қабул қилиниши телемедецинанинг мавқеини янада оширади.

Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторида электрон соғлиқни сақлашга кўпроқ боғлиқ бўлганлиги сабабли, тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва тижорат саъӣ-ҳаракатларида фуқароларнинг асосий соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишiga шароит яратиш учун телемедецина хизматларидан оқилона фойдаланиш керак.

Телемедицина хизматларида адолатли ва энг юқори замонавий мөъёрлар билан таъминланиши натижасида ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш шунингдек, маълумот, тил, географик жойлашув, жисмоний ва ақлий салоҳият, ёш ва жинсдаги фарқлар кафолатланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат хусусий шерикчилик тўғрисида”ги ПҚ-2490 сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва ахоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-6155 сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида ПҚ-4996 сонли қарори.
4. Фелиция Юппер, Ник Маркс, Джульет Майклсон, Кармело Вакес и Джоар Теоретические основы, цели и задачи.
5. G.U. Shamiev. Development trends of health capital in uzbekistan: problems and realities.
6. Сервис бронирования больницы online от Hospital Booking
7. Международный опыт внедрения телемедицинских услуг в систему здравоохранения.[https://evercare.ru/news/mezhnarodnyy-opyt-vnedreniyatelemedicinskikh-uslug-v-sistemu-zdravookhraneniya-partnerskaya](https://evercare.ru/news/mezhunarodnyy-opyt-vnedreniyatelemedicinskikh-uslug-v-sistemu-zdravookhraneniya-partnerskaya)
<https://avit6666.uz/savol/#gsc.tab=0>
<https://avitsenna.uz/savol/#gsc.tab=0>
<https://avitsenna.uz/savol/#gsc.tab=066631011>
8. <https://hospitalbooking.com/voprosy-i-otvety-o-lecenii-v-izraile>